

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВА ЗАРИФА УРОЛ ҚИЗИ**

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА**  
**МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Хамидова Зарифа Урол қизи**

Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати  
фаолиятини такомиллаштириш.....3

**Хамидова Зарифа Урол қизи**

Совершенствование деятельности служб внутреннего аудита и финансового  
контроля в бюджетных организациях .....29

**Khamidova Zarifa Urol qizi**

Improving the activities of internal audit and financial control services in budget  
organization .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....57

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВА ЗАРИФА УРОЛ ҚИЗИ**

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА МОЛИЯВИЙ  
НАЗОРАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри -2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt589 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Машарипов Озод Алимович  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Пардаев Мамаюнус Каршибаевич  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 02 куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «21» 01 куни тарқатилди.  
(2021 йил «21» 01 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
**Н.Н.Каландарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD)

*[Signature]*  
**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда ривожланиб бораётган интеграцион жараёнлар, иқтисодийтни глобаллашуви ва инновацион жадаллик ҳар қандай тизимни замонавий жараёнга мос равишда такомиллаштиришни талаб этади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодийтини муҳим қисмини ташкил этадиган бюджет маблағларини оқилона ва режали сарфланиши юзасидан бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш орқали номувофиқликларни ва мақсадсиз харажатларни қисқартиришга имкон яратилади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати ташкил этилган. Хорижий мамлакатлардан ички аудитга эга бўлганлари ўзларининг функцияларини муайян қонунлар ёки қоидаларга мувофиқ ўрнатган. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан халқаро талабларга мос бўлган ички аудит стандартларидан кенг фойдаланиш заруриятини тақозо қилади.

Жаҳон амалиётида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг услубий асосларини такомиллаштирилиши борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бюджет ташкилотлари ички аудит хизмати фаолиятидаги назорат тартиби, рискларни баҳолаш ва минималлаштириш, ташкилотнинг иш самарадорлигини ошириш бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, коррупцион ҳолатларни олдини олиш, халқаро ички аудит стандартлари асосида назоратни ташкил этиш масалалари илмий ўрганилмоқда. Хусусан, бу мавзу бўйича хусусий секторда илмий маълумотлар ва нашрлар етарлича шакллантирилган, аммо бюджет ташкилотларида айнан марказлаштирилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари услубий юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳали кўп изланишлар олиб бориш лозимлигини тақозо қилади.

Ўзбекистонда «бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур»<sup>1</sup>. Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Пандемия шароитида ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан камида 15 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда. Яна бир муҳим масала – молиявий интизом ва назоратни кучайтириш»<sup>2</sup>. Олиб борилган илмий тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, «бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмининг такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 январдаги Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Правда Востока” нашри, 28 январь, 2020 йил.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтказилган “2021 йилга мўлжалланган бюджет параметрлари муҳокамаси”га бағишланган видеоселектори, 2020 йил 19 октябр.

стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш»<sup>3</sup> ҳамда уларни доимий назорат қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг молиявий назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масаласи бир бутун яхлит илмий асар сифатида батафсил кўриб чиқилмаган. Бу мавзу юзасидан тушунчаларнинг кенгайиб бориши ва бу соҳада фундаментал тадқиқотларнинг камлиги иқтисодийни модернизациялаш шароитида мавзунинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб, ички аудит ва молиявий назорат услубиётини такомиллаштиришга оид илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 21 августдаги ПҚ 3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида», 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг текширувини режалаштириш ва ўтказиш услубиётининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича асосан хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларни олиб боришган. Улар жумласига Р.Н.Аганина, П.П.Андреев, В.Е.Анфёрова, В.А.Грекова, А.Гусеев, Н.И.Даниленко, А.Л.Колесник, С.Л.Оптнер, М.И.Павлов, Р. В.Пашков, П.Н.Рогов, В.С.Сухих, Я.В.Тайнен, Ю. Н.Юденковларни киритиш мумкин<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231- сон Қарори.

<sup>4</sup> Аганина Р.Н. Правовое регулирование аудиторской деятельности в РФ: диссертация канд. юрид. наук: 12.00.03 /Аганина Рената Надимовна.- М., 2009.-184 с; Андреев, П.П. Внутренний контроль и аудит в секторе государственного управления и европейский опыт / П.П. Андреев., Я.В.Тайнен - Киев: Кафедра, 2011. - 120с.; Анфёрова В.Е., Грекова В.А., Статья: «Внедрение внутреннего аудита в бюджетных учреждениях»//Nauka-rastudent.ru, 2017, №5(041).; А.Гусеев Статья: «Положение о внутреннем финансовом контроле» Журнал: «Силловые министерства и ведомства: бухгалтерский учёт и налогообложения» № 1/ 2017 г. www.taxpravo.ru/analitika/statya.; Даниленко Н.И. Статья: Методика проведения внешнего аудита

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан эса бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмаларда, шунингдек эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда фақат аудиторлик текширувини режалаштириш, ўтказиш ва яқунлашнинг назарий жиҳатлари ўрганилган. Масалан, Р.Д.Дўсмуратов, Б.Ж.Жумамуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, С.У.Мехмонов, М.Қ.Пардаев, Б.Б.Сугирбаев, Ш.В.Ғаниев, М.Т.Ҳайдаровларнинг асарларида бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг назарий жиҳатларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган<sup>5</sup>.

Бугунги кунда бюджет ташкилотларида ички аудитни ўтказиш, услубий муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратиш, марказлашган ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳамда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТИ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

бюджетного учреждения ("Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях", 2010, п 4; А.Л.Колесник Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета/ Диссертация, Москва – 2017, 14 стр.; С. Л. Оптнер Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем Москва Советское радио 1969 г. Содержание Системный анализ: этап развития методологии решения проблем в США 3/Москва; Павлов М.И., Внутренний аудит в компаниях с государственным участием Журнал "Акционерное общество: вопросы корпоративного управления" №5-2014, 5 июня 2014г.; Пашков Р. В., Юденков Ю. Н. Концепция соо трёх линий защиты // Бухгалтерия и банки. — 2016. — № 8. — С. 33–49; Рогов П.Н. Особенности проведения государственного аудита в США // Материалы VI Международной студенческой научной конференции «Студенческий научный форум» URL:<http://scienceforum.ru/2014/article/2014002893> <http://scienceforum.ru/2014/article/2014002893> ; В.С.Сухих, "Формирование системы внутреннего аудита в федеральных университетах в Российской Федерации", Диссертация: на соискание учёной степени кандидата экономических наук, Екатеринбург – 2016.;

<sup>5</sup> Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Б.Ж.Жумамуратов, Бюджет ташкилотларида ички аудитни такомиллаштириш масалалари, "Молия ва банк иши" Электрон илмий журнали, 2-сон, март-апрель, 2019й.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: 2002. – 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; С.У.Мехмонов, "Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш", Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати 2018; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: Иқт. фан. док. дис. автореф. – Тошкент: Ўз.Р БМА. 2002. – 43 б.; Сугирбаев Б.Б., Ибрагимов А.К. Бюджет назорати ва аудити, Ўқув қўлланма, "infoCOM.UZ нашриёти" Тошкент-2010.; Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) автореф. иқт.фан.ном.- Т., 2008; Т.М.Ҳайдаров "Бюджет ташкилотларида ички аудитни ташкил қилишда рискларни баҳолаш моҳияти", Иқтисод ва Молия №2, 2013й. , <https://cyberleninka.ru>.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотларида ички аудит моҳиятини ёритиш ва унинг такомиллашган таърифини бериш;

бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий таклифлар яратиш;

бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва такомиллаштириш юзасидан назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятида хорижий тажрибаларни қўллаш жараёнида ички аудитни услубий асосларини такомиллаштиришга доир тавсиялар бериш;

олий таълим муассасаларида ички аудитор иш фаолиятини такомиллаштириш ва лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасалари ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, саралаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятида камерал назоратни киритиш орқали назорат самарадорлигини ошириш имконияти асосланган;

мол-мулк ҳамда пул маблағларини кутилмаганда йўқотишлар хавфини аниқлаш амалини киритиш асосида ички аудит ва ички назорат тизими фаолияти такомиллаштирилган;

бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил қилишга ижро назоратини хусусияти, муддати ва ҳажмини белгилаш орқали фаолият самарадорлигини ошириш асосланган;

рисklarни баҳолаш ва минималлаштириш юзасидан бюджет ташкилотларини юқори, ўрта, кам аҳамиятга эга муаммоли гуруҳларга ажратиб ички аудит ва молиявий назорат хизматини фаолиятини режалаштириш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вазирлик ва идораларда ташкил қилинган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан камерал назорат ўтказишда алоҳида логин ва паролдан фойдаланиш амалиёти жорий этилган;

бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларини сертификатлаш бўйича намунавий низом лойиҳаси ишлаб чиқилган;



бюджет ташкилотларида ички ва ташқи назоратларнинг ўзаро ҳамкорлиги ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган Бош аудитор иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз ичига олган бош аудитор лавозим йўриқномаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, ОТМларнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматини назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан бюджет ташкилотларида ички аудитни режалаштириш, назорат жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, ҳисобот ва ҳулосаларни шакллантиришда, тавсияларни ишлаб чиқишда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятида камерал назоратни киритиш орқали назорат самарадорлигини ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан ходимларга масофавий назорат қилиш ҳуқуқини беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 87-03-2377-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мол-мулк ҳамда пул маблағларини кутилмаганда йўқотишлар хавфини аниқлаш амалини киритиш асосида ички аудит ва ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан ходимларга молиявий йўқотишларни аниқлаш ва камайтиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 87-03-2377-сон маълумотномаси). Натижада, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан мол-мулк ҳамда пул маблағларини кутилмаганда йўқотишлар хавфини аниқлаш имконини берган;

бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил қилишга ижро назоратининг хусусияти, муддати ва ҳажмини белгилаш орқали фаолият самарадорлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ички аудит ва молиявий назорат хизматлари маслаҳат ва тавсияларини бажарилиш ҳолатларини ўрганишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 87-03-2377-сон маълумотномаси). Натижада, ички аудит хизмати ташкилот бошқарув органи томонидан аудит тавсияларини бажариш бўйича самарали чора-тадбирларни бажарилиш ҳолатини кузатиб борган;

рисklarни баҳолаш ва минималлаштириш юзасидан бюджет ташкилотларини юқори, ўрта, кам аҳамиятга эга муаммоли гуруҳларга ажратиб, ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини режалаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ички аудит жараёнини умумий режалаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 87-03-2377-сон маълумотномаси). Натижада, бюджет ташкилотларининг riskлари даражасига қараб назорат ўтказишни режалаштириш жараёни тартибли амалга оширилишига эришилган ва шу билан бир қаторда бюджет ташкилотлари гуруҳларга ажратилган ҳолда назорат жараёнидан ўтказилиши ҳамда ички аудиторларнинг вақтдан унумли фойдаланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини ташкил қилиш ҳамда уни амалга оширишнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда ҳозирги шароитда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда бюджет ташкилотларида ички аудит тизимининг назарий асослари, бюджет ташкилотлари ички аудит хизматининг хориж тажрибаси, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг аҳамияти ва бугунги кундаги меъёрий-ҳуқуқий ҳамда назарий муаммоларининг назарий масалалари ёритилган.

Давлат бюджети томонидан ажратилаётган маблағларнинг ярмидан кўпи ижтимоий соҳа учун сарфланади ва бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш ҳамда талон тарош қилинишини олдини олиш ички аудит хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунинг қайд этиш зарурки, 2019 йилда ижтимоий соҳа учун давлат бюджетидан 21694 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилиб, шундан 12712,3 млрд. сўм яъни 58,6 фоизи таълим соҳаси учун сарфланган. Иқтисодиётнинг ўрта ва узоқ муддатларда ривожланиши учун асос ҳисобланган ҳамда давлат бюджети харажатларининг салмоқли қисми тўғри келадиган ижтимоий соҳага эга Ўзбекистон учун ушбу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши масалаларининг муваффақиятли ечими муҳимдир.

Бугунги кунда мамлакат миқёсида 24091 та бюджет ташкилотлари мавжуд бўлиб, улардан ижтимоий соҳада фаолият юритаётганлари сони 17840 тани ёки умумийга нисбатан 58,4 фоизни ташкил этади<sup>6</sup>, шундан 129 таси олий таълим муассасалари ҳисобланади. Олий таълим муассасаларининг 49 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида ташкил қилинган республика даражасидаги ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан ва 80 таси ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан доимий назорат қилинади<sup>7</sup>.

Агар ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси дастлаб Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб Сув хўжалиги вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Божхона қўмитасида мавжуд.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 1 февралдаги № 01/2-01-20-151 сонли маълумотномаси.

<sup>7</sup> <http://www.edu.uz>.- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти.

Хар бир вазирликда ташкил қилинган бошқарма таркибидаги аудиторлар тегишли вазирликка қарашли бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини кўрсатадилар. Ушбу вазирликларга тегишли бюджет муассасаларидан фақатгина, олий таълим муассасаларида ички аудитор штати ташкил қилинди.

Ички аудитни такомиллаштириш учун унинг мазмун моҳиятини чуқур англаб етиш лозим. Айнан бюджет ташкилотларининг ички аудит соҳасида кўпгина олимлар изланиш олиб боришган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича муаллифлик таърифи шакллантирилган: бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати – ташкилотнинг фаолиятини меъёрий ҳужжатлар асосида ички ҳужжатларни тўлиқлиги, қонунга мувофиқлиги, тузилган ҳисоботларнинг ишончлилигини назорат қилувчи, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб бюджет маблағларини самарали ишлатилишини баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берувчи ҳамда бюджет жараёнини шаффофлигини янада оширишни таъминловчи фаолиятдир.

Бюджет ташкилотларининг ички аудит хизмати ташкилот фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, унинг иш фаолиятини қонун доирасида олиб бориш, даромад ва харажатлари сметаларини тузиш, ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ўз маслаҳат ва тавсияларини бериш билан ҳам шуғулланади. Шу сабабдан, ички аудитга таъриф бераётганимизда унинг профессионал хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз топдик. Чунки, бюджет ташкилотларининг назорати давлат молиявий назорат хизмати томонидан ҳам олиб борилади. Ички аудит хизматининг асосий жиҳати эса, давлат молиявий назоратидан фарқли равишда бюджет ташкилоти учун маслаҳатчи сифатида намоён бўлишидир.


Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади<sup>8</sup>.

Бюджет ташкилотларида ички аудитни ўтказишда нафақат олинган даромадларни харажатлар билан таққослаш, балки маблағлардан самарали фойдаланишни фаол усулларини излаш ва харажатлар устидан қатъий назоратни амалга оширишни талаб этади. Бугунги кунга келиб, бюджет ички аудит хизмати учта асосий элементдан иборат бўлиши кераклиги исботланди: ички назорат, ички аудит ва уларни уйғунлаштириш. Бу ҳолда асосий вазифа раҳбарнинг раҳбарлик қилаётган ташкилот фаолиятининг барча жабҳалари учун жавобгарлигини таъминлаш, иқтисодиёт масалаларида аниқ натижаларга эришиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, вазифаларни бажариш ва шу кабилар ҳисобланади<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатга олинган).

<sup>9</sup> Анфёрова В.Е., Грекова В.А., “Внедрение внутреннего аудита в бюджетных учреждениях”//Наука-

Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти бир нечта жиҳатларни қамраб олиши керак.(1-расм)



**1-расм. Ички аудит хизмати фаолиятининг қамраб оладиган жиҳатлари<sup>10</sup>**

Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси тасарруфидаги муассасаларда молиявий фаолият билан боғлиқ ўрганишлар ва профилактик тадбирлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этилган “Ички аудит ва молиявий назорат хизмати”нинг уч нафар ходимлари томонидан ўтказиб келинмоқда. Бироқ, тасарруфдаги ташкилотларнинг кўплиги, ички аудит ходимларининг камлиги (3 нафар) жорий назорат самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики вазирлик ва идораларда ташкил этилган ички аудит хизматини назорат объектлари сонига қараб ички аудиторларини сонини ошириш иш сифатини ва унумини ошишига хизмат қилади. Объектлар сонининг кўплиги кўп вақт ҳамда меҳнат талаб қилади ва баъзи ҳолларда операцияларнинг кўплиги иш самарасини пасайтириши мумкин. Олий таълим муассасаларида ташкил қилинган ички аудитор штати Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил қилинган ички аудит ва молиявий назорат бошқармасининг қўшимча штат бирлигига муҳтож эмаслигини кўрсатади. Аммо, бошқа вазирлик ва идораларда ички аудитор сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

rastudent.ru, 2017, №5(041).

<sup>10</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Куйидаги 1-жадвалда назорат қилиниши керак бўлган объектлар сони ва уларнинг ҳажмига ҳамда уларнинг мутаносиблигига эътиборимизни қаратамиз:

### 1-жадвал

#### Марказлашган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари ҳамда назорат объектларини вазирликлар кесимида тақсимланиши<sup>11</sup>(2019 йил)

| Т/<br>Н | Ички аудит хизмати ташкил қилинган тармоқ вазирликлари | Ички аудит хизмати ходимлари сони |                            | Назорат объектлари сони |              | Вазирликлар кесимида ажратилган бюджет маблағлари миқдори (2019 йил) млрд.сўм | Юзага келган камоматлар миқдори (2019 йил) млрд.сўм |
|---------|--------------------------------------------------------|-----------------------------------|----------------------------|-------------------------|--------------|-------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|
|         |                                                        | Вазирликлар                       | Тошкент шаҳар ва вилоятлар | Тошкент шаҳар           | Вилоятлар    |                                                                               |                                                     |
| 1       | Халқ таълими вазирлиги                                 | 7                                 | 24                         | 948                     | 15207        | 17535,5                                                                       | 18,9                                                |
| 2       | Соғлиқни сақлаш вазирлиги                              | 3                                 | 28                         | 1073                    | 6796         | 10 568,8                                                                      | 10,2                                                |
| 3       | Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги                   | 5                                 | 26                         | 48                      | 79           | 6657,7                                                                        | 11,1                                                |
| 4       | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси                    | 3                                 | 26                         | 12                      | 198          | 19 206,8                                                                      | 32,2                                                |
|         | <b>Жами</b>                                            | <b>18</b>                         | <b>104</b>                 | <b>2069</b>             | <b>22281</b> | <b>53968,8</b>                                                                | <b>72,4</b>                                         |

Таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, давлат бюджети маблағлари энг кўп миқдорда маълум бир давр ўрганилганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳиссасига, яъни 19 206,8 млрд. сўм, кейин эса Халқ таълими вазирлиги ҳиссасига 17 535,5 млрд. сўм, соғлиқни сақлаш вазирлигига 10 568,8 млрд. сўм ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 6657,7 млрд. сўм тўғри келади. Ажратилган бюджет маблағлари юзасидан ҳамда бюджет ташкилотларида мос равишда доимий назорат олиб бориш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлишлари лозим. Бунинг учун ички аудиторлар сони, уларни малакаси ва тажрибасига кўра тўғри тақсимланган бўлиши керак.

Бу масалалар юзасидан хориж мамлакатлари тажрибасига муурожаат қилиб, ўзига хос ёндашувни кўришимиз мумкин. Халқаро амалиётда бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини шаклланишининг дастлабки кўринишлари АҚШ ва Буюк Британияда вужудга келган десак, хато қилмаймиз.

Хориж мамлакатларининг энг кўп давлатлар фойдаланадиган тузилмаларининг энг асосийларидан бири INTOSAI бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида фаолият юритувчи юқори бошқарув органларининг халқаро ташкилоти ҳисобланади. Бу тузилмалар бюджет ташкилотлари ички назорат ва ички аудит фаолиятини олиб бориш, назорат қилиш юзасидан яратилган услубиётлардан иборатдир. Ҳозирда ушбу

<sup>11</sup> <https://www.openbudget.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

тузилманинг 194 та аъзоси мавжуд. Унинг бир нечта минтақавий ташкилотлари ташкил этилган (2-жадвал).

2-жадвал

**INTOSAI халқаро тузилмасининг минтақавий ташкилотлари<sup>12</sup>**

| Т/№ | Минтақавий ташкилотлар номлари | Ташкил қилинган йили | Ташкил қилинган минтақа |
|-----|--------------------------------|----------------------|-------------------------|
| 1   | EUROSAI                        | 1990                 | Европа                  |
| 2   | ASOSAI                         | 1978                 | Осиё                    |
| 3   | ARABOSAI                       | 1976                 | Араб давлатлари         |
| 4   | AFROSAI                        | 1976                 | Африка                  |
| 5   | CAROSAI                        | 1988                 | Кариб ороли             |
| 6   | OLACEFS                        | 1965                 | Лотин америкаси         |
| 7   | SPASAI                         | 1987                 | Тинч океани давлатлари  |

Кейинги муҳим ҳужжатлардан бири Sarbenes – Oxly қонуни бўлиб, у сенатор Pol Sarbanes ва Майкл Оксли томонидан яратилди ҳамда улар номи билан аталди. 11 бўлимдан иборат қонун аудиторларнинг мустақиллиги, корпоратив жавобгарлик, тўлиқ молиявий шаффофлик, манфаатлар тўқнашуви, корпоратив молиявий ҳисобот каби муҳим бўлимларни ўз ичига олди. Аммо, вақт ўтиб, бу қонунда баъзи камчиликлар борлиги сезилди ҳамда бу қонун асосида COSO модели яратилди. COSO моделининг яратилиши халқаро амалиётда ички назорат ва ички аудит учун кўп имкониятларни очди<sup>13</sup>.

COSO модели 1992 йилда Треадвей комиссиясининг ҳомий ташкилотлари томонидан тузилган бўлиб, бу ташкилотлар қуйидаги 5 та иштирокчидан иборат: Халқаро молиявий ижрочилар уюшмаси (FEI), Ички аудиторлар институти (IIA), Бошқарув ҳисобчилари институти (IMA), Америка сертификатланган давлат бухгалтерлари институти (AICPA) ва Америка бухгалтерлар уюшмаси (AAA).

Бу рискларни самарали бошқариш ва ташкилот ичидаги учта алоҳида ҳимоя чизиғи ичида юқори раҳбарият назорати ва бошқарувини талаб қилади. Бу уч ҳимоя чизиғининг ҳар бири ташкилотни бошқаришнинг концептуал асосларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди<sup>14</sup>.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари**» деб номланиб, унда ОТМларда ички назорат ва ички аудит хизматининг самарали ташкил этилишини таъминлаш, марказлашган ички аудит хизмати ва давлат органлари томонидан назорат ўтказилишини таҳлилини ташкил қилиш хусусиятлари илмий жиҳатдан батафсил ёритилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришни фақат, ички назоратни самарали ташкил этиб ёки фақат,

<sup>12</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>13</sup> <https://www.pefa.org/about>.

<sup>14</sup>Пашков Р.В., Юденков Ю.Н.Концепция COSO трёх линий защиты // Бухгалтерия и банки.2016.№8.С.33-49.

ички аудитни ташкил этиб амалга ошириб бўлмайди. Балки, ҳам ички аудитни, ҳам ички назоратни самарали ташкил қилиш орқали эришилади. Чунки, бу икки фаолият бир-бирини ўрнини тўлдирувчи, бир-бирига ёрдам берувчи ва ўзаро ҳамкорликда ишлаганда янги имкониятларни очадиган фаолият ҳисобланади.

ОТМлар таркибидаги бу икки фаолиятни ўзаро муносиб ҳолда олиб борилишида уларнинг фаолиятидаги ўзгаришларни кўрамиз. Бугунги кунда ўзини – ўзи молиялаштириш тизимига ўтиш жорий қилинмоқда. Нафақат ОТМлар, балки, барча бюджет ташкилотларида молиявий маблағларни сарфланиши, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муаммоларни ечими, коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни олдини олиш ўта долзарбдир.

Ўзи ишлаб топган маблағларни ташкилот эҳтиёжига кўра тақсимлашни чегаралаш коррупцион ҳолатларни пайдо бўлишига олиб келади.

И.Каримов номидаги ТДТУда бюджетдан ташқари тушумларни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, абитуриентлар ва бошқа соҳадаги тингловчиларни билимини, малакасини ошириш учун тайёрлов ва ўқув курслари ташкил этилган. Бу фаолият турида ишлаб топилган даромад асосан қуйидаги мақсадларга сарфланади:

ўқитувчиларни ойлик (соатбай) иш ҳақи ва ижтимоий солиғига (25%);

курс ўқитувчилари ва ходимларини моддий рағбатлантириш;

курс ўқитувчилари ва ходимларига моддий ёрдам кўрсатиш (соғлигини тиклаш, тўй ва дафн маросимлари ва бошқа зарурий ҳоллар);

курсларни ривожлантириш ва хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб этиш учун ўқитувчи ва ходимларни хорижга хизмат сафарига жўнатиш;

ўқув-тайёрлов жараёни учун канцелярия моллари, ўқув адабиётлари, дастурлар ва бошқаларни харид қилиш.

Хусусан, 3-жадвалдан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси маблағ (даромад)лари асосан (87,8%) ўқув тайёрлов курси (28,2%) ҳамда ётоқхона ва бошқа майда хизмат турлари (59,6%) ҳисобидан шакллантирилади. Мана шу асосий даромад қилинадиган фаолият турини таҳлил қиламиз:

Қуйидаги жадвалда келтирилган даромадлар ва харажатлар калькуляциясидан кўриниб турибдики, ўқув-тайёрлов курсининг асосий харажатлари, деярли 83 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар билан боғлиқ. Бу дегани Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган харажат меъёри (25%)дан 58 фоиз миқдордаги сумма ноқонуний харажат қилинган ҳисобланади. Яъни, ОТМ йилига 1,0 млрд. сўм топган даромадининг 58 фоизини – 580,0 млн. сўмини қонунчиликка зид равишда сарфлаган ҳисобланади ва ташкилотнинг мутасадди раҳбар ходимларига нисбатан жазо чоралари кўрилади. Бундай ҳолга тушмаслик учун курс раҳбарлари ўқитувчиларга тўланадиган тўловларни ўз-ўзидан тингловчиларнинг пулларини тўлиқ қирим қилмасдан, уларнинг сонини кам кўрсатган ҳолда нақд пул шаклида беришга мажбур бўлади. Акс ҳолда, у ёки жиноий жавобгар бўлади ёки курс фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади.



Бу ҳолатда давлат бюджети ҳам даромад солиғи ва ижтимоий солиқ (25%) каби солиқлар тушуми бўйича сезиларли даражада зарар кўради.

### 3-жадвал

#### Даромад қилинадиган фаолият турлари таҳлили, (2019 йил)<sup>15</sup>

| Тайёрлов курси                                                                                                                  |           |      |       |                     | Харажатлар<br>фоизда |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|------|-------|---------------------|----------------------|
| 20 нафар тингловчи, ўқиш муддати 2 ҳафта, 84 соат                                                                               |           |      |       |                     |                      |
| Харажат турлари                                                                                                                 | Сумма     | Сони | Соати | Жами сумма<br>(сўм) |                      |
| Ўқитувчилар иш ҳақи (соатбай)                                                                                                   | 55,000    |      | 84    | 4,620,000           | 23.2%                |
| Ходимлар иш ҳақи (10 кун)                                                                                                       | 1,500,000 | 3    |       | 1,730,769           | 8.7%                 |
| Моддий рағбатлантириш                                                                                                           | 1,000,000 | 6    |       | 6,000,000           | 30.2%                |
| Ижтимоий солиқ (25%)                                                                                                            |           |      |       | 3,087,692           | 15.5%                |
| Моддий ёрдам                                                                                                                    | 500,000   | 2    |       | 1,000,000           | 5.0%                 |
| <b>Жами:</b>                                                                                                                    |           |      |       | <b>16,438,462</b>   | <b>82.6%</b>         |
| Бошқа жорий харажатлар<br>(тингловчиларга сертификат, коммунал тўловлар, канцелярия<br>моллари, ўқув жараёни харажатлари) (10%) |           |      |       | 1,643,846           | 8.3%                 |
| Университетга ажратма (10%)                                                                                                     |           |      |       | 1,808,231           | 9.1%                 |
| <b>Ҳаммаси:</b>                                                                                                                 |           |      |       | <b>19,890,538</b>   | <b>100.0%</b>        |
| <b>Бир тингловчи учун тўлов</b>                                                                                                 |           |      |       | <b>994,527</b>      |                      |

Ушбу масалаларнинг ечими юзасидан бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида марказлашган ҳолда ташкил қилинди. Аммо, бошқа бюджет муассасаларидан фарқли равишда олий таълим муассасаларида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари»нинг «Бухгалтерия» бўлимига бош ҳисобчи муовини-аудитор лавозими киритилган<sup>16</sup>.


Юқоридагиларга кўра, ички аудитор лавозим бўйсунувини бирор бир бўлим (бўлинма) таркибига киритмасдан, тўғридан-тўғри биринчи раҳбар бўйсунувига ўтказиш ҳамда ойлик иш ҳақини бош ҳисобчининг ойлик иш ҳақига тенглаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун, «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари»га тегишли ўзгартиш киритиш таклиф этилди. Унга кўра, «Бухгалтерия» бўлимидаги «Бош ҳисобчи муовини аудитор» лавозими тугатилиб, «Ректорат» бўлимига «Бош аудитор» лавозими жорий этилди. Бунинг натижасида ОТМлар фаолиятида муҳим бўлган ўзгаришлар амалга оширилди ва кўпгина афзалликларга эришилди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, бош аудиторнинг мустақиллиги билан бир қаторда унинг масъулияти ҳам ошди. Бош аудитор

<sup>15</sup> И.Каримов номидаги ТДТУ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>16</sup> Адлия вазирлигида 21.02.2017 йилда 2859-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари»

ОТМларда ўз ўрни ва алоҳида вазифаларига эга бўлди. ОТМларнинг ташкилий структурасида ҳам ўзгаришлар юзага келди. (2-расм)




**2-расм. ОТМларда тўғридан-тўғри ректорга бўйсунувчи лавозимлар структураси<sup>17</sup>**

Бундан ташқари, ривожланишнинг яна бир муҳим мезони бу бюджет ташкилотида ички назорат тизимининг самарали ташкил этилишидир. Ички аудит ички назорат билан чамбарчас боғлиқ.

ОТМларда ташкил этилган бош аудитор лавозими учун аудиторнинг барча вазифа, мажбурият ва ҳуқуқларини ўз ичига олган йўриқнома ишлаб чиқишни лозим топдик ва унда тегишли вазифаларни ҳамда кетма-кетликларни киритиб ўтдик. Бу йўриқнома орқали олий таълим муассасалари учун ички аудит хизматининг аҳамияти ва зарурлигини кўрсатиб бердик.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бош аудитор учун тузилган йўриқнома бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини ривожлантириш, ўз даромадларини мустақил равишда тақсимлаш имконияти ва ташкилотни оқилона бошқариш ишларини ҳисобга олган ҳолда тузилди. Чунки, таълим муассасаларида бозор шароитларига мослашиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини очиш имкониятини берадиган бюджетдан молиялаштириш аста-секин камайтирилмоқда. Бу максимал даражада ривожланишга имкон беради.

Ички аудит хизмати фаолиятини ташкил қилиш ва ўтказишни умумий тарзда қуйидаги беш қисмга ажратиш асосланди (3-расм).



**3-расм. Ички аудиторлик текширувни режалаштириш bosқичлари<sup>18</sup>**

<sup>17</sup>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 21.02.2017 йилда 2859-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари” асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Беш босқичга ажратилган ички аудит назорати марказлаштирилган ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан олий таълим муассасаларида ўтказилади.

Биринчи босқичда ҳар бир ташкилотда ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолият бошлашдан олдин индивидуал режа тузилади. Аудиторлик текширувини режалаштириш рискларни баҳолашни ўз ичига оловчи ва аудиторлик жараёни моҳияти, бажарилиш муддати ва ҳажмини белгилаб берувчи аудит режасини ишлаб чиқишдан иборат.

Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотлари ички аудит текширувини режалаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

мобилизация тадбирлари;

охирги аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейинги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ташкилот фаолиятини ўрганиш;

рисклар таҳлилини ва ички назоратни баҳолашни амалга ошириш;

алоҳида аудит соҳаларини танланишини ва муҳимлик омилини ҳисобга олган ҳолда аудит мақсадларини назарда тутувчи аудит режасини ишлаб чиқиш;

тегишли аудит иш тадбирларини ўз ичига оловчи аудит текшируви дастурини ишлаб чиқиш;

ресурсларнинг мутаносиб тақсимланишини тасдиқлаш.

Режалаштириш босқичи яқунлангандан сўнг, кейинги босқичга ўтилади. Иккинчи босқич ташкилот фаолияти ҳақида ахборот берувчи барча турдаги молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотларни йиғишдан ташкил топади. Текширув ўтказиладиган жойларда маълумотлар йиғиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

дастлабки йиғилишни ўтказиш;

аудит текшируви дастурини ишлаб чиқилишини яқунлаш ва тегишли аудит иш ҳужжатларини тайёрлаш;

олинган аудит маълумотларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

дастлабки натижалар ва тавсияларни қайд қилиш;

сўнгги йиғилишни ўтказиш.

Учинчи босқич тасдиқлаш босқичи ҳисобланиб, аудит амалларини қўллаш ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

барча бажарилган ишларни тегишли равишда амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун яқунланган аудит текширув дастури ва бошқа аудит иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиш;

дастлабки натижалар ва тавсияларни кўриб чиқиш, зарур ҳолларда янгилаш.

Танлов жараёнларини ўтказиш учун танлаб текширишдан фойдаланилади. Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси кўп ҳолларда мавжуд бўлган барча маълумотларни текширмайди. Чунки бу одатий усул ҳисобланмайди ва аудит ўтказишда аудитнинг танлов усулидан фойдаланиб ишончли хулоса чиқариш мумкин.

Хусусан, аудитор йил давомидаги 50 та алоҳида алоҳида текширувларни танлашдан кўра, ваколатли органлар текширувларни

имзолаган ёки имзоламаганликларини текшириш мақсадида 50 та кетма-кет намуна текширувини ўтказиши мумкин. Бироқ, қисмни ажратиб намуна олиш жами маълумотлар тўпламига алоқадор бўлмаган элементларни ҳам тақдим қилиши мумкин. Айниқса, хатолар маълум даврдагина юз берган бўлса, бу топилган хатолар жами маълумотлар тўпланининг қолган қисмига прогноз қила олмаслиги мумкин.

Тўртинчи босқич хулоса, ҳисобот ва тавсияларни шакллантириш босқичи. Ишчи ҳужжатларни кўриб чиқишнинг асосий принципи шундаки, гуруҳнинг кам тажрибали аъзолари томонидан амалга оширилган аудит иши гуруҳнинг тажрибали аъзолари томонидан кўриб чиқилади.

Ҳисобот тузиш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

ички аудит ҳисоботи лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этиш;

бошқарув органининг ёзма жавобларини сўраб олиш;

бошқарув органининг жавобларини ўз ичига олган якуний ички аудит ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш.

#### 4-жадвал

##### Ички аудит хизмати тавсиялари бажарилишининг ҳолати<sup>19</sup>

| Аудиторлик тавсиялари бажарилишининг ҳолати                                                            | Амалга оширилиши керак бўлган ишлар                                                                                                                                                |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бажарилиш бошланмаган (лекин кечиктирилмаган ҳам)                                                      | Ушбу босқичда ҳеч қандай ҳаракат талаб қилинмайди.                                                                                                                                 |
| Бажарилиш кечиктирилган                                                                                | Кечикиш сабабларини ва ташкилот ёки ички аудит ва молиявий назорат хизмати томонидан талаб қилинадиган кейинги ҳаракатларни аниқлаш                                                |
| Бажарилиш амалга оширилмоқда (ва кечиктирилмаган)                                                      | Бажарилиш босқичини аниқлаш ва ўз вақтида якунланиши кутилмоқда.                                                                                                                   |
| Бажарилиш амалга оширилган, лекин, тасдиқланмаган                                                      | Ташкилот хабар берган бўлсада, ички аудит ва молиявий назорат хизмати тавсиянинг амалга оширилганлигини ҳамда асосий сабабларни бартараф этилганини тасдиқланмаган.                |
| Амалга оширилган, тасдиқланган ва ички аудит ва молиявий назорат хизмати натижаларни қабул қилган      | Ташкилот хабар берган, ички аудит ва молиявий назорат хизмати тавсиянинг амалга оширилганлигини ва асосий сабабларни бартараф этилганини тасдиқлаган.                              |
